

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ. 1991-2018 ЙЙ)

Толипов Файзулла Саидович

Тошкент давлат иқтисодий университет

Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари доктори (DSc)

e-mail: tolipovfayzulla1971@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0008-0110-4333>

UDK: 94(575.1)

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, соҳани қўллаб қувватлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада тараққий эттиришга оид масалалар баён қилинган. Унда янги Ўзбекистон даврида халқ билан мулоқот олиб борилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасидаги ислохотлар очиб берилган. Шу билан бирга соҳадаги ютуқлар ва муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, мулк, аҳоли, банк, кредит, кичик корхона, хусусийлаштириш, ижтимоий соҳа, муаммо, бандлик.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане, поддержка отрасли и дальнейшее совершенствование сферы услуг. Раскрываются реформы, направленные на дальнейшее совершенствование системы связи с населением и работы с обращениями физических и юридических лиц в новом Узбекистане. Также рассматриваются достижения и проблемы в отрасли и пути их решения.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, сфера услуг, собственность, население, банк, кредит, малое предприятие, приватизация, социальная сфера, проблемы, занятость.

Abstract: This article examines the development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan, supporting the

industry, and further improving the service sector. It discusses reforms aimed at further improving public communications and handling appeals from individuals and legal entities in the new Uzbekistan. It also examines the achievements and challenges in the sector and ways to address them.

Keywords: small business, entrepreneurship, service sector, property, population, bank, credit, small enterprise, privatization, social sphere, problems, employment.

КИРИШ. (ВВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION). Тадбиркорлик бу, хўжалик юритишнинг шундай ташкилий-ҳукукий шаклики, унда мулк эгаси бир шахс, оила ёки жамоа бўлиши мумкин. Улар тадбиркорлик субъекти фаолиятдан келган даромадни барчасига тўлиқ эғалик қилади, қолаверса бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун ўша субъектнинг якка ўзи жавобгар бўлади. Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида, реклама соҳасидаги бизнесда, маиший хизмат, фермерликда, тиббиёт амалиётида ва хунармандчиликда кўпроқ учрайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатни ривожлантиришга, иқтисодий вазиятини мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган, мулкдорлар табақасининг пайдо бўлишига кўмак берувчи соҳага айланди. Тадбиркорлик бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишга хизмат қилувчи, даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини

оширишга қаратилган тизимдир.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёш тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Соҳанинг норматив-хукукий асослари шакллантирилиб, тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса бугунги янгиланаётган Ўзбекистонда соҳани жадал ривожлантириш мақсадида 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб эълон қилиниши кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни тизимли асосда ривожлантириш имконини берди. Бу эса хусусий мулк ҳукуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш борасидаги устувор йўналишларни белгилаб берди. Кейинги йилларда бу борада сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Авваламбор, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар учун етарли шарт шароитлар яратиб бериш кабилар.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ. / DISCUSSION). Агар тадбиркорлик соҳасининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш тарихига эътибор берилса, бу борада 1994 йилдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ва 1995 йил 5 январда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини шакллантиришга туртки берди [1]. Фармонга биноан шу йили давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг 50% кичик бизнесни

ривожлантиришга йўналтирилди. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Қонуни мазкур секторнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Бунинг натижасида Ўзбекистонда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб борди. Масалан, 1994 йилда 6, 243 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 2094,2 минг кишини, 2011 йилда 2338,4 минг кишини ташкил қилган. Яъни бу 11,6 фоизга кўпайган. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда. 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайган. Деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган [2]. Бу эса мамлакатда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби турлари ривожланаётганлигини англатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг ушбу секторига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсган. 2015 йилга келиб иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган [3]. Бу истикболда ушбу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад

манбаларини шакллантириш зарурлигини тақозо этади.

Кейинги йилларда аҳоли бандлигининг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилган. Масалан, бизнес юритиш учун қулайликлар яратилиши натижасида 1990 йилларнинг бошида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчилар сони 40 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич анча камайган. Масалан, 2000 йилга келиб бу рақам 25 фоизга тушган. Хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етган. Бандликни таъминлашга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш натижасида, фақат сўнгги 5 йилнинг ўзида иктисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 млн янги иш ўрни яратилган [4]. Уларнинг 74 фоизидан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. 2016 йилгача янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилган [5].

Хизмат кўрсатиш тармоқлари, кичик корхоналар сонининг кўпайиши ҳисобига 2011 йилга келиб қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайган. Жумладан, 2010-2016 йиллар давомида тадбиркорлик орқали Республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 фоизга ортган. 2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди. Келажакда мамлакатда 25 мингга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилади [6].

Аммо ушбу соҳаларда қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига ёшларнинг

етарлича жалб қилинмаганлиги энг катта муаммолардан бири бўлиб келган эди. Ўзбекистон иш кучининг жадал ўсувчи мамлакат ҳисобланади. Республиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда меҳнат ресурслари ўртача тезликда йилига 2,2% ни ташкил этади [7]. Бу вазият жойларда иш билан таъминлаш бўйича жиддий муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Шунингдек тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишлар ва улар ишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам анча йиллар қийнаб келди.

Шу боисдан янги Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб соҳа ривожининг янги босқичига ўтилди. Масалан, шу йилнинг июль-декабр ойлари давомида Республика Президенти ташаббуси билан жорий этилган халқ билан фаол мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида республикаимиз шаҳар ва қишлоқларига “Сайёр қабуллар” уюштирилган. Очiq мулоқотларда 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлардан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва таклифлар ўрганилган. Эътиборли томони шундаки, мурожаатларнинг энг кўпи, яъни 8 мингдан зиёди, ёки 25 % асосан тадбиркорларнинг банк кредитлари билан боғлиқ муаммолардир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар 7 мингдан ортиқ-22%, бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та-8 % ни ташкил этган [8]. Ҳозиргача тадбиркорларга тегишли мурожаатларнинг 96 фоизи, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат [9].

Шунга қарамадан Республикада молия, бандлик, касаба уюшмалари, банклар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган кредит олиш истагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оилага 33,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланган.

Мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилган хатлов натижасида бўш турган 1 минг 832 бино ва иншоот аниқланиб улардан мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббускорлар ва банк кредитлари ҳисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳалардан 415 таси маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда 63,7 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган [10].

2018 йил Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланиши муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатиладиган бўлди. Айниқса тизимнинг муҳим асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхона”лари ва “Виртуал қабулхона”си фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик тизими сифатида амалда ўзини оқламоқда. Масалан, 2017 йил охиридан то 2018 биринчи ярмигача Халқ қабулхоналарига 1,5 миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилган ва юз минглаб одамларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ҳал қилинган.

Бу эса янги Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, балки амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Бу борада мамлакат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларига ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида 4,6 трлн сўмни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг

худди шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп. Унинг 1 трлн сўмини микрокредитлар ташкил этади, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп бўлган [11]. Шу билан бирга маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида “Обод қишлоқ” мақсадли жамғармалари тузилиб, улар ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиб келмоқдалар.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ. COCLUSION). Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини тараққий эттириш асосий вазифага айланган. Тадқиқотларга кўра Ўзбекистонда тадбиркорлик тобора ривожланиб, уларга айрим имтиёзлар берилиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратилиб, бандлик муаммосини ҳал қилиш нуқтаи назаридан тадбиркорлар томонидан уларни қўллаб қувватлашнинг миллий модели яратилганлигининг гувоҳи бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини тараққий эттириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш масалалари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тадбиркорликда турли имтиёзлар шакллантирилиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳам ундан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу эса ушбу соҳалар кўмагида мамлакатни келажакда тараққиётнинг юқори босқичига чиқади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 1994. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 1995.

2. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Т., 2011. 95- 97 бетлар.
3. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. “Маҳалла” газетаси. Т.. 2015. 38-39 бетлар.
4. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. “Маҳалла” газетаси. Т.. 2015. 38-39 бетлар..
5. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. “Маҳалла” газетаси. Т.. 2015. 38-бет.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 167-бет.
7. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. Т.. 2015. 46-бет.
8. “Маҳалла” газетаси. 2018 йил 17 апрел. №43-сон. Яна қаранг: Адолат ҳукмрон жойда шикоятга ўрин йўқ. (Сайёр қабуллар: натижа ва хулосалар) // “Ҳуқуқ” газетаси. 2018 йил 12 апрел. № 15.
9. Маҳалла” газетаси. 2018 йил 17 апрел. №43-сон.
10. Маҳалла” газетаси. 2018 йил 17 апрел. №43-сон.
11. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла хайрия жамоат Фонди” жорий архивидан олинди.